



№ 184/23-5

201 7 yil " 2 " июнь

**Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини
тартибга келтириш тўғрисида**

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 41-42-сон, 483-модда) қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ном берилган ва номлари ўзгарган Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Қурбонов), туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар:

туман ҳудудидаги баъзи географик объектларга янги номлар берилиши ва номлари ўзгартирилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан бир ойлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар кўрилсин ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУК (М.Асамов):

мазкур қарор расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

Р.Усманов

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2017 йил “2” июн даги
184/23-5 -сонли қарорига
ИЛОВА

Ном берилган ва номлари ўзгарган Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар рўйхати

Т/р	Жойнинг ҳозирги номи	Жойнинг янги номи	Изоҳ
Бектемир тумани			
1.	Бардонқўл кўчаси	Мажнунтол кўчаси	Кўча номини маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида (“Мажнунтол” маҳалласи).
2.	Собиқ 23-ўрмон хўжалиги ҳудудидаги номсиз тор кўча	Олтинтопган 1-тор кўчаси	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида (“Олтинтопган” маҳалласи).
3.	Собиқ 23-ўрмон хўжалиги ҳудудидаги номсиз тор кўча	Олтинтопган 2-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Олтинтопган” маҳалласи).
4.	Собиқ 23-ўрмон хўжалиги ҳудудидаги номсиз тор кўча	Олтинтопган 3-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Олтинтопган” маҳалласи).
5.	Собиқ 23-ўрмон хўжалиги ҳудудидаги номсиз тор кўча	Олтинтопган 4-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Олтинтопган” маҳалласи).
Яшнобод тумани			
6.	Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси	Паҳлавон Маҳмуд кўчаси	Жой номини тартибга келтириш мақсадида (“Чўлпон” маҳалласи).
7.	М.Мусахонов 1-тор кўчаси	Паҳлавон Маҳмуд тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Чўлпон” маҳалласи).
8.	М.Мусахонов 1-берк кўчаси	Паҳлавон Маҳмуд 1-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Чўлпон” маҳалласи).
9.	М.Мусахонов 2-берк кўчаси	Паҳлавон Маҳмуд 2-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Чўлпон” маҳалласи).
Олмазор тумани			
10.	Янги тор кўчалар	Чуқурсой 6,7,8-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Тулзор” маҳалласи).

11.	Янги тор кўчалар	Норазтепа 5,6,7,8-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Тулзор” маҳалласи)
Учтепа тумани			
12.	Туятортар кўчаси	Кўкча Оқтепа кўчаси	Кўча номини маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида (“Кўкча Оқтепа” маҳалласи).
Юнусобод тумани			
13.	Боғишамол ва Янгишаҳар кўчалари оралиғида ташкил топган янги кўча	Янгишаҳар кўчаси	Шу номли кўчанинг давоми бўлгани учун
14.	Дўрмон йўли ва Боғишамол кўчалари оралиғида ташкил топган янги кўча	Дўрмон йўли кўчаси	Шу номли кўчанинг давоми бўлгани учун
15.	Аҳроробод 2-берк кўчаси	Аҳроробод тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Катга Ҳасанбой” маҳалласи).
Сергели тумани			
16.	Янги тор кўчалар	Саватчи 2,3,4,5,6-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Қумариқ” маҳалласи).
17.	Шохруҳия кўчаси (такрор)	Само кўчаси	Кўча номини тартибга келтириш мақсадида (“Қумариқ” маҳалласи).
18.	Янги берк кўчалар	Само 1,2-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида. (“Қумариқ” маҳалласи).
19.	Ҳамза кўчаси	Фаввора кўчаси	Кўча номини тартибга келтириш мақсадида (“Қумариқ” маҳалласи).
20.	Сайфи Олимов 1-берк кўчаси	Қумариқ 4-берк кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Қумариқ” маҳалласи).
21.	Кўйлик 6-дахасида ташкил топган янги кўча	Нуфузли кўчаси	Номсиз янги кўчани номлаш мақсадида (“Кўшқўрғон” маҳалласи).
22.	Янги тор кўчалар	Нуфузли 1,2,3,4,5-тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида (“Кўшқўрғон” маҳалласи).
Яккасарой тумани			
23.	Фозилота қабристонни	Яккасарой қабристонни	Жойнинг аввалги номиини тиклаш мақсадида

Admit